O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №
20 10 00

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 18 октябр чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 207 (2504)

СУРАТДА: Темурийлар тарихи давлат музейини зиёрат қилиш пайти.
Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезер 17 октябр куни Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдонини зиёрат қилди ва Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Туркиялик олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилди. Бу ерда Туркия Президентига буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг давлати ва темурийлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Туркия Президенти музей зиёрати сўнггида фахрий меҳмонлар китобига дастхат битар экан, журналистларга Ўзбекистонга сафари жуда самарали кечганини айтди:

— Музокаралар чоғида муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон томони билан фикрларимиз бир хил эканлиги намоён бўлди, — деди у. — Мавжуд муаммоларнинг барчаси ҳал этилди, дейиш мумкин.

Шу билан Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди. Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

— Туркия билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш катта аҳамиятга эга, — деди Ислом Каримов. — Зеро, Туркия ҳарбий жиҳатдан қудратли давлат бўлиши билан бир қаторда, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорчиликка қарши курашда бой тажрибага эга. Аҳмет Сезер билан музокараларда фақатгина бу масала билан чекланиб қолмаганимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Биз икки томонлама муносабатларга доир кўплаб масалаларни кўриб чиқдик. Ўйлайманки, ўтказилган музокаралар ва қабул қилинган ҳужжатлар яқин орада ўз самарасини бера бошлайди.

(ЎзА)

ОЛИЙ МАЖЛИСДА МАШВАРАТ

бирида қонун ижроси муҳокама қилинди, иккинчисида янги ишчи гуруҳи тузилди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар фаолиятини таъминлашга, уларнинг фаоллигини оширишга ҳамда депутатларнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги иштирокини таъминлашга қаратилган қонунларнинг Самарқанд вилоятида ижро этилиши кўриб чиқилди. Йиғилишни қўмита раиси Н. Исмоилов олиб борди.

Йиғилишда ўз сафида 600 нафарга яқин халқ вакилини бирлаштирган барча даражадаги халқ депутатлари Кенгашлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муайян даражада ҳисса қўшаётганлиги таъкидланди. Кенгашлар демократик ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, ижтимоий-маданий масалаларни ҳал этишга доир вазифаларни изчил амалга оширмоқда.

Вилоятда депутатлар томонидан фуқароларни қабул қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳокимликлар биноларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аксариятида махсус хоналар мавжуд.

Шу билан бирга, йиғилишда айтилганидек, вилоятда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг ишида депутатлар фаолиятини таъминлаш, уларнинг фаоллигини ошириш ва депутатларнинг жойларда давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш борасида бир қатор камчиликлар мавжуд.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ишларида Кенгашлар, уларнинг доимий комиссиялари ва депутатларнинг ўрни етарли даражада, деб бўлмайди. Вилоятнинг қатор аҳоли пунктларидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолар Кенгашлар ва уларнинг доимий комиссиялари иш режаларида ўз аксини топмаган.

Баъзи бир Кенгашлар ва уларнинг доимий комиссиялари ўз назорат функцияларини суст амалга оширмоқда. Депутатлар ҳамма жойда ҳам тегишли ахборот-маълумот материаллари билан таъминланмайди.

Фуқароларнинг қонуний талабларини ҳал этишга доир ишларни яхшилаш зарур. Уларнинг ариза ва шикоятларини чуқур текшириш ҳар доим ҳам таъминланавермайди. Буларнинг барчаси юқори турувчи органларга хатлар оқимининг кўпайишига олиб келмоқда.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида доимий комиссиялар ишига, депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятига бағишланган материаллар кам берилмоқда.

Қабул қилинган қарорда Самарқанд вилояти халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг раҳбарларига иқтисодий, ижтимоий ва жамият ҳаётидаги ислоҳотлар давомида сессиялар, доимий комиссиялар, депутатларнинг ўрни ва таъсирини ошириш тавсия қилинди. Бу мақсадга эришиш учун сессияларга киритилаётган масалалар пухта тайёрланишини таъминлаш, уларни тегишли доимий комиссияларда, махсус ташкил этиладиган депутатлар гуруҳларида олдиндан кўриб чиқиш, назорат вазифаларини бажаришга, фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни яхшилаш ишига, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини оширишга, диний экстремизм кўринишларининг, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, барча даражадаги Кенгашлар депутатларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш, депутатларни тегишли ахборот-маълумот материаллари билан ўз вақтида таъминлаш, уларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини, мамлакат ҳамда ҳудуд ҳаётий фаолиятининг ўта муҳим йўналишларига доир бошқа материалларни ўрганишида ёрдам кўрсатиш, доимий фаолият кўрсатувчи семинарлар ташкил этиш, давра суҳбатлари, депутатлик фаолияти бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш, ўзаро иш тажрибасини алмашиш, шу мақсадларда оммавий ахборот воситалари, ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш таклиф этилди.

Барча даражадаги Кенгашларнинг депутатларига ўз депутатлик вазифаларини қандай бажараётганликлари ҳақида сайловчилар олдида ҳисоб бериш, тегишли Кенгашнинг иши, тегишли ҳудудда юз бераётган ўзгаришлар тўғрисида уларни хабардор қилиш, фуқароларнинг хат ва мурожаатларини диққат билан ўрганиш ва таҳлил қилиш, ариза ва шикоятлар ўз вақтида ҳамда ҳар томонлама текширилишини таъминлаш, фуқароларни қабул қилиш, уларнинг қонуний талабларини ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериш, сайловчиларнинг асосли истак ва талабларини бажаришда давлат органларига қўйиладиган депутатлик сўровидан таъсирчан восита сифатида янада фаолроқ фойдаланиш тавсия қилинди.

* * *

Вақт олий ҳакам, дейишади. Ҳамма нарса вақт ўтиши билан ўзгаради, янгиланиб боради. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганига (1991 йил 20 ноябр) яқинда тўққиз йил тўлади. Тўққиз йил ичида мамлакатимизда барча соҳаларда беқиёс ўзгаришлар юз берди. Айтиш жоизки, ёшларимизнинг дунёқараши, онги ҳам янгиланди. Агар давом этаверсак, ўзгариш ва янгиланишларга доир юзлаб омилларни санаш мумкин. Бу эса амалдаги қонунларни ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Қолаверса, Олий Мажлисда Ёшлар ишлари қўмитасини ташкил этилиши ҳам айни пайтда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг таркибий қисмларидан бирига айланганидан далолат беради.

Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида депутатлар ва тегишли идоралар вакилларидан иборат ёшлар ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг амалий ижросини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ зиммасига ана шу кундан бошлаб «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунни ўрганиш, таҳлил қилиш вазифаси юклатилди. Қўмита раиси Азамат Зиё мазкур Қонуннинг ўтган муддат давомида қандай аҳамият касб этгани, унинг янги таҳририда яна нималарга эътибор қаратиши лозимлиги, қайси омиллар муҳимлиги ва бугунги кунда Қонуннинг қайси томонларидан воз кечишимиз лозимлигини назардан четда қолдирмаслик кераклигини айтди. Мажлисда гуруҳ аъзолари амалдаги Қонунга доир таклиф-мулоҳазаларини ҳам билдирдилар.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҚЎШМА БАЁНОТ

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

Томонлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик иккала давлат халқларининг манфаатларини ифодалаши ҳамда жаҳонда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этиб,

икки томонлама муносабатларни тенглик, адолат ва ҳамжиҳатлик принциплари негизига қуришга интилиб,

сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, экологик ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада кучайтириш ва унинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга интилиб,

қуйидагиларни баён қиладилар:

1. Томонлар бундан кейин ҳам ўзаро дўстона муносабатларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг принциплари, мустақиллик ва суверенитетни ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик ва ички ишларга аралашмасликни, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва меъёрларини ҳурмат қилиш асосида ривожлантириш ниятидалар.

2. Томонлар икки томонлама ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганини қайд этиб, сиёсий мулоқотни ривожлантириш ва ўзаро қизиқиш уйғотувчи масалалар бўйича фикр алмашиш мақсадида турли даражаларда икки томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш орқали уни янада чуқурлаштиришга интилишларини билдирадилар.

3. Томонлар БМТ, ЕХҲТ, Европа-Атлантика шериклик кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида барқарор тинчлик ва хавфсизликнинг таъминланиши ҳамда халқаро ҳамжамият билан уйғунлаштирувни доимий равишда ривожлантириш учун самарали ҳамкорлик зарурлигини таъкидладилар.

4. Томонлар Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш Осиёда ва бутун жаҳонда тинчликни ва изчил тараққиётни сақлашда аҳамиятга эгалигини қайд қиладилар.

5. Томонлар тез фурсатда Афғонистон муаммосини тинчлик йўли билан ҳал этилиши минтақада ва бутун жаҳонда барқарорликка ва хавфсизликка хизмат қилади деб ҳисоблайдилар.

6. Томонлар экстремизм, халқаро терроризм ва давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ҳамда суверенитетига қарши қаратилган ҳар қандай шаклдаги ҳуружларга қарши боришларини баён қиладилар.

7. Туркия Ўзбекистоннинг ЕХҲТ Истамбул саммитида баён этилган БМТ доирасида Терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашни давом эттиради.

8. Томонлар ўз давлатларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш, мудофаа идоралари ва бошқа ваколатли органларининг терроризм, уюшган жиноятчилик, шунингдек, ноқонуний равишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни етиштириш, ишлаб чиқариш ҳамда ноқонуний юргизишнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш ва текшириш соҳасидаги қалин ҳамкорлигини таъминлайдилар.

9. Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида терроризмга, гиёҳвандлик воситалари контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида Қўшма Баёнот доирасида экстремизм ва халқаро терроризмга қарши қаратилган ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларнинг вакилларидан иборат бўлган Қўшма ишчи гуруҳни тузиш тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

10. Томонлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳамкорликнинг ҳуқуқий негизини шакллантириш зарурлигини қайд қилиб, Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида Битимни имзолаш ва рўёбга чиқаришга алоҳида аҳамият берадилар.

11. Томонлар Орол денгизи ҳавзасининг экологик муаммоларининг жиддийлигини қайд қилиб, уларни ҳал этиш юзасидан икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятларини кўриб чиқадилар.

12. Томонлар иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланишини таъминлаш учун Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-турк ҳукуматлараро комиссияси ва Амалий Кенгаши фаолиятини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

13. Томонларнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги бундан буён ҳам тенг иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар барпо этиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик негизида кенгайтирилади.

Бунинг учун Томонлар бир-бирига иқтисодий ҳамкорликнинг барча соҳаларида халқаро мажбуриятлари доирасида энг қулай шароит яратиш чораларини кўрадилар.

14. Томонлар савдо алмашувининг барча шаклларини, кичик ва ўртача корхоналарнинг иқтисодий ҳамкорликда фаол иштирок этишини, молиявий ҳамда иқтисодий сиёсат юзасидан зарур тижорий ва иқтисодий ахборотни, фикр ва тажриба алмашишни, қўшма корхоналар тузилиши ҳамда фаолият юритишини, шунингдек, ишлаб чиқариш, инвестиция, банк ва тижорат соҳаларидаги ҳамкорликнинг бошқа илғор шаклларини қўллаб-қувватлайдилар.

15. Томонлар кўп томонлама ва икки томонлама аҳдномаларга асосланиб, йўловчи ва юк ташувчи транспорт соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтирадилар ҳамда ўз ҳудудларида йўловчилар ва юкларни ташиш (бунга транзит ташиш ҳам киради) учун қулай шароитларни муҳайё этадилар.

16. Томонлар тарихан юзага келган маданий, инсонпарварлик, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, умуман, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан туркийзабон давлатлар раҳбарларининг йиғилишларига муҳим аҳамият берадилар.

17. Томонлар бундан буён ҳам ўз халқларининг манфаатлари йўлида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун ҳамкорлик қиладилар ҳамда йигирма биринчи асрда тинчлик ва барқарорликка эришиш учун интиладилар.

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. А. КАРИМОВ

Туркия Жумҳурияти номидан
Туркия Жумҳурияти Президенти
А. Н. СЕЗЕР

Тошкент шаҳри,
2000 йил 16 октябр.

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида терроризм, гиёҳвандлик воситалари контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида ҚЎШМА БАЁНОТ

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

терроризмнинг, гиёҳвандлик воситалари контрабандасининг ва уюшган жиноятчиликнинг хавфсизлик ва барқарорликка солаётган таҳдиди кучайиб бораётганлиги, сабаблари ва кўриниши қандай бўлишидан қатъи назар, қабул қилиб бўлмайдиган ҳол эканлигини назарда тутиб,

терроризмнинг идеологияси, қўллаётган методлари жиҳатидан инсон ҳуқуқларига, ҳозирги жамиятнинг асосий эркинликларига ва демократия тамойилларига, халқаро тинчлик ва хавфсизликка ҳамда Томонларнинг дўстона муносабатларига таҳдид солаётганини қайд этиб,

халқаро терроризмга қарши кураш борасидаги шартномаларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида ишончли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини ташкил этган Гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддаларни ғайриқонуний тарқатишга ва терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида 1993 йилдаги Битимга асосланиб ҳамда ушбу ҳужжатлар асосида ҳамкорликни янада кучайтириш ниятида келишган ҳолда,

террорчиликнинг олдини олиш ва тубдан йўқ қилишга, шу жумладан, террорчилик ҳаракатларининг сабабчиси бўлган шахсларни адлия органларига топширилишига қаратилган икки томонлама ва халқаро савияда самарали чоралар кўрилиши лозимлигига ишониб,

террорчиларнинг мақсади Марказий Осиёдаги давлатларнинг демократик ва дунёвий тузилишига путур етказиш, шунингдек, бу давлатлар томонидан амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларга тўсқинлик қилиш эканлигини англаган ҳолда,

қуйидагиларни баён қиладилар:

Томонлар терроризмни қатъиян қоралашларини тасдиқлаб, сиёсий, идеологик, этник, диний ёки бошқа бирон-бир мақсадда бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги террорчилик фаолияти ноқонуний деб топилишини таъкидлайдилар.

Томонлар ҳар бир мамлакат ўз фуқаролари ва мамлакат ҳудудида яшаб турган бошқа шахсларни зарур ва самарали қонуний чораларни кўрган ҳолда террорчилик босқинларидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва мажбуриятига эга эканликларини тасдиқлайдилар.

Террорчиликка қарши кураш олиб боришда икки мамлакат ўртасида ўзаро ёрдамни янада кучайтириш ва бу соҳадаги ҳамкорликка муассасавий тус бериш мақсадида, Томонларнинг тегишли ташкилотлари иштирокида таъсис этилган мутахассислар гуруҳи муайян даврларда йиғилиб, терроризмга қарши зарур тадбирлар юзасидан маълумот алмашадилар ва музокаралар олиб борадилар. Томонлар учрашувлар вақтини дипломатик каналлар орқали аниқлаб олинади, деб келишиб олдилар.

Томонлар жиноятчиларни ушлаб бериш масалаларида ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар ушлаб бериш ҳақида қарор қабул қилишда террорчилик актлари сиёсий жиноят деб баҳоланмаслиги тўғрисида келишиб олдилар.

Томонлар ушбу ҳамкорлик Томонларнинг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларига дахл қилмайди, деб таъкидлайдилар.

Томонлар террорчиларга бошпана ҳуқуқи бериш, уларнинг ўқув лагерлари қуриши, қурол ва ҳарбий аслаҳа ташиши, маблағ йиғиши, даволаниши, дам олиши, уюшиши ва тарғибот олиб боришига ҳамда террорчилик мақсадлари учун учинчи давлатлар ҳудудларидан фойдаланишларига имкон бермайдилар.

Томонлар террорчилик гуруҳларининг ноқонуний йўллар билан топган маблағларини легаллаштириш учун банк ҳамда бошқа молиявий ва иқтисодий муассасалар билан уларнинг боғланишларига йўл қўймайдиган чоралар кўрилиши зарурлигини таъкидлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. А. КАРИМОВ

Туркия Жумҳурияти номидан
Туркия Жумҳурияти Президенти
А. Н. СЕЗЕР

Тошкент шаҳри,
2000 йил 16 октябр.

Тил - миллат кўзгуси

21 октябр республикамизда "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган кун сифатида нишонланади. Бу йил ушбу санага бутун мамлакатимиз бўйлаб катта ҳозирлик кўрилмоқда.

Жойларда илмий анжуманлар, байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Улардан бири Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтди. "Тилга ихтиёр — элга эътибор" мавзуидаги мазкур илмий-амалий анжуманда тилшунос олимлар, ёзувчилар ва ижтимоий соҳа вакиллари иштирок этди.

Анжуманни ЎзФА президенти Б.Йўлдошев кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганидан буён ўтган 11 йил давомида мамлакатимизда уни амалга ошириш борасида кенг кўламли ишлар қилинганини таъкидладилар.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида она тилимизнинг мақоми олий даражага кўтарилди. Шу билан бирга, ҳали ҳамма жойда ҳам атамалар, иш юритиш қонун талаблари даражасида эмас. Бу ҳолат баъзи илмий муассасаларда ҳам учрайди. Анжуманда бу борадаги камчиликларни тугатиш, тилшунослик бўйича илмий тадқиқотларни кўпайтириш, тил маданиятини тарғиб этиш ишларини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев сўзга чиқди.

(ЎзА)

Прокуратура айбномаси

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудларида ҳамда 1999 йил 16 февралда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатларини ташкиллаштирган Йўлдошев Тоҳир, Хожиев Жумабой, Мадаминов Салай ва бу жиноятларни содир этишда бевосита иштирок этган Козиев Муродилла, Бобожонов Улуғбек, Раҳманов Хомиджон, Каримов Шовкат, Джалолов Нажмиддин, Умаров Йўлдош, Абдувоҳидов Олимжон, Шукуров Усмон ва Маҳмудов Улуғбекларга нисбатан жиноят иши тергови якунланди.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари мазкур кимсалар томонидан қуйидаги мудҳиш ва ўта оғир жиноятлар содир этилганлигини кўрсатди.

1988-1989 йилларда Т.Йўлдошев жиноий шериги Ж.Хожиев билан биргаликда дин ниқоби остида келиб, аслида диний экстремистик дунёқарашларни тарғиб қилиш, адоват ёйиш ва уруш чиқариш, шунингдек, таъмагирлик мақсадларини кўзлаган «Таблиҳчи»лар жамоасига аъзо бўлиб киришган ҳамда Ўзбекистон Республикасида мавжуд Конституциявий тузумни ағдаришга қаратилган фаолият билан шуғулланиб келишган.

1989 йил бошларида Тошкент шаҳрида А.Ўтаев, О.Назаров ва бошқалар томонидан «Ислом уйғониш ҳизби» деб номланувчи норасмий ташкилот тузишга ҳаракат бошланган бўлиб, Т.Йўлдошев ва Ж.Хожиевлар Наманганда бу ташкилотнинг бўлимини очишга киришади. Ўзларининг ҳамтовоқлари бўлган Эгамбердиев Вали, Хожиев Рахимжон, Йўлдошев Абдували ва бошқаларни ёвуз ниятли бу ташкилотга жалб этади. Улар динни тарғиб қилиш ниқоби остида Ўзбекистондаги мавжуд Конституциявий тузумга қарши бузғунчилик ҳаракатларини бошлаб юборади.

Тоҳир Йўлдошев жиноий йўл билан топилган маблағлар ҳисобига жиноий шериклари сафини кенгайтириб боради. 1990-1991 йилларда Наманган вилоятида маҳаллий давлат бошқарув идораларининг айрим ваколатларини ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олиб, қонунсиз уюшмалар тузади. Аниқроғи, жиноий гуруҳлар тузиб, уларнинг олдига биринчи навбатда текин даромад топиш вазифасини қўяди.

Жумладан, 1991 йилнинг август-сентябр ойларида гўёки жамиятни ўғрилардан тозалашга хизмат қилувчи ноқонуний «Адолат» деган уюшма ташкил қилиниб, унга Ҳ.Сатимов раҳбар этиб тайинланган.

1991 йилнинг октябр ойидан 1992 йил март ойига қадар мазкур уюшма аъзолари томонидан фуқаролар Мўминов Ҳабибулло, Турғунов Мусажон, Исмоилов Луқмонжонлар асоссиз равишда ўғирлик жиноятини содир этишда айбланганлар. Шунингдек, Дадамирзаев Умар, Абдуллаев Ориф, Воронина Оксана, Митюнина Елена ва унинг вояга етмаган қизи Мухамедханова Зулфия, Воронин Александр, Турғунов Исмоил каби бир қанча фуқаролар асоссиз равишда қотилликда айбланишган. «Адолат» уюшмаси аъзолари томонидан улар ечинтирилиб, устларидан совуқ сув қуйилиб, оёқ ва қўлларидан осиб қўйилиб, ваҳшийларча калтакланганлар. Овқат, сув бермасдан қийнаб, аслида содир этмаган жиноятлари учун иқрорлик талаб этганлар ва улардан товламачилик билан катта миқдорда пул талаб қилиб олинган.

Етказилган ўта оғир тан жароҳатлари натижасида фуқаролар И.Турғунов ва А.Воронинлар вафот этганлар.

Янада даҳшатлироқ, ҳар қандай жиноятларни содир қилишга қодир бўлган қуролланган жамоалар тузиш, улар ёрдамида кўпроқ даромад топиш мақсадида 1990 йилда «Товба» деб аталган халқаро диний экстремистик ташкилот билан яқин алоқа ўрнатилган. Наманган шаҳридаги «Отауллахон» масжидида бу ташкилотнинг алоҳида бўлими ташкил этилиб, унга Йўлдошев Абдували раҳбар этиб тайинланган.

Мазкур уюшмага даъват йўли билан ёш йигитлар аъзоликка қабул қилинган.

1990-91 йилларда Наманган ва бошқа вилоятларда ташкил топган турли диний, сиёсий ва бошқа норасмий ташкилотларни ўзига бўйсундириш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Тоҳир Йўлдошев ва Жума Хожиевлар томонидан 1991 йил октябр ойида Наманган шаҳрида «Ислом Маркази» норасмий ташкилоти тузилиб, унга Т.Йўлдошев шахсан раҳбарлик қила бошлаган.

«Ислом уйғониш ҳизби», «Адолат», «Товба» ва «Ислом Маркази» норасмий ташкилотлари аъзоларини «Ислом лашкарлари» деб аташиб, уларнинг сафларига диний ақидапараст ва жиноят содир қилишга мойил бўлган шахслар жалб қилинган. Ўзларини жамиятни исломлаштириш, адолат учун курашувчилар деб кўрсатишган. Аслида эса, «Ислом лашкарлари» бадавлат фуқароларнинг уйларига қуролли ҳужумлар уюштиришиб, уларнинг мол-мулкларини эгаллаб олиб, қонунсиз бойлик орттириш, мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш орқали мавжуд давлат тузумини заифлаштириш, унинг раҳбарларини обрўсизлантиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан мунтазам равишда шуғулланиб келишган.

1991 йил 7 ноябр куни Тоҳир Йўлдошев жиноий шериклари Ж.Хожиев, А.Йўлдошев ва бошқалар билан биргаликда қирқма милтиқ, пичоқлар билан қуролланиб, Наманган шаҳрининг К.Цеткин кўчасидаги 3-«А» уйда меҳмондорчиликда бўлган фуқаро Қамбаров Шуҳратни норасмий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортганлиги учун зўрлик ишлатиб, олиб чиқиб, «Ислом Маркази»га тегишли бинога қонунсиз равишда қамаб, калтаклашган ва унинг 1000 сўм пулини товламачилик йўли билан тортиб олганлар.

1991 йилнинг ноябр ойида Наманган шаҳар «Чаманзор» даҳасидаги 17-уйнинг 20-хонадонида яшовчи, 1977 йилда туғилган, 14 ёшли Тошбоев Муҳаммадни «Ислом Маркази»нинг аъзоси Каттахўжаев Баҳодир ва бошқалар маҳалла чойхонасига олиб келиб, қўлларидан боғлаб осиб қўйишган. Уч кун давомида уни калтаклаб, овқат ва сув бермасдан, ваҳшийларча азоблаганлар. М.Тошбоевнинг онаси вояга етмаган фарзандини озод қилишларини сўраб, Т.Йўлдошев, Ж.Хожиев ва бошқаларга ҳар қанча ялиниб-ёлвормасин, аммо «шариат тарбияси» билан банд бўлган ақидапарастлар шафқат қилишмаган. Ўғлига берилган азобларга чидай олмаган она бечора ўзини ёқиб юбориш учун устига бензин қуйган вақтида мазкур воқеани кўриб турган кишилар уни тўхтатиб қолишган ва фожианинг олди олинган.

Чортоқ туманидаги собиқ «Октябрь» жамоа хўжалигининг 2-бригадаси дала шийпонини ўз қароргоҳига айлантириб олган «Ислом лашкарлари» Мамадвалиев Давлатали, Жўрабоев Акрам, Ататиллаев Абдуғофур ва бошқалар томонидан бегуноҳ фуқаролар Абдуллаев Маҳмуджон, Қодирова Мукаддас, Саидхўжаева Манзура, Мирзаахмедов Абдуқаҳҳор, Дадабоев Ҳаким, Болтабоев Мадамин, Исоқов Раҳимжон, Нуриддинов Муҳаммад, Эргашев Анвар, Аюпов Муродилла, Парпиев Муродилла, Эргашев Баҳодир, Қаюмов Абдусамат, Мирзакаримов Авазбеклар турли жиноятларни содир этганликда туҳмат қилиниб, калтакланганлар ва турли даражадаги тан жароҳатлари етказилиб, улардан кўп миқдорда пул маблағлари товламачилик йўли билан олиб қўйилган.

Т. Йўлдошев ва бошқаларнинг бундай қонунсиз ҳаракатлари халқ орасида қаттиқ эътирозларга сабаб бўлиб, тегишли идораларга кўплаб аризалар ва шикоятлар туша бошлаган.

Мазкур норасмий ташкилотларнинг қонунсиз фаолиятлари махсус тергов - тезкор гуруҳи томонидан текширилиб, «Адолат» уюшмаси раҳбарлари Ҳ.Сатимов, А.Хожимирзаев, В.Умаров, Т.Отабоев ва бошқалар қўлга олингач, уларнинг раҳнамолари — Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Хожиевлар жиноий уюшманинг бир қанча аъзолари билан 1992 йилнинг март ойида Тожикистон Республикасига қочиб яширинганлар.

Т. Йўлдошев ва Ж. Хожиевлар тожик мухолифатининг айрим дала қўмондонлари билан келишиб, Тожикистоннинг қонуний ҳукуматига қарши жангларда иштирок этишга ёлланишган. Шунингдек, Ўзбекистонда Конституциявий тузумни ағдариб, ислом давлати қуриш учун жангарилар тайёрлаш ҳақида ўзаро жиноий тил бириктирганлар. Шу мақсадда Тожикистон Республикаси ҳудудида ўз тарафдорларини йиғиш ва қуроллантиришга киришганлар. Фарғона водийси ҳамда бошқа вилоятларда қолган тарафдорларини «жиҳод»га тайёргарлик кўриш учун Тожикистонга олиб келганлар.

Т.Йўлдошев «Тожикистон Ислом уйғониш ҳаракати» раҳбарининг ўринбосари, ўзининг қонхўрликлари билан ном чиқарган Ж.Хожиев мухолифатнинг дала қўмондони этиб тайинланган.

Т.Йўлдошев 1992 йил 22 август куни жиноий шериклари Исломов Карим, Кутфиддинов Ҳусниддин ва бошқалар билан биргаликда фуқаролар уруши давом этаётган ва қурол-аслаҳаларни қўлга киритиш қулай бўлган Афғонистондаги диний ақидапарастлар билан ҳамкорлик қилиш ва ҳарбий лагерларни ташкил этиш мақсадида қўшни давлатга қонунсиз равишда ўтган.

Халқаро террорчилар Усома бин Ладен ва Амир Хаттоблар билан дунёвий давлат тузумларига қарши биргаликда жиҳодий урушларда қатнашиш учун ёлланиб, улар билан Узбекистондаги мавжуд Конституциявий тузумга қарши ҳамкорликда кураш олиб бориш хақида жиноий тил бириктирган Т.Йўлдошев Афғонистоннинг айрим ҳудудларида ўзбекистонлик жиноий унсурлардан иборат ҳарбий дала лагерларини ташкил этган.

1993-1994 йилларда Т.Йўлдошев ва Ж.Хожиевлар Афғонистон ҳамда Тожикистондаги жангларда иштирок этган жиноий уюшма аъзоларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтаришган. Улар мамлакат ҳудудида қолган жиноий уюшма аъзолари билан бирлашиб, Фарғона водийси ва республиканинг бошқа вилоятларида ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни чорасиз ва кучсиз қилиб кўрсатиш мақсадида қатор жиноятларни содир этганлар. Босқинчилик йўли билан эгалланган маблағлар ҳисобидан «байтулмол» жамғармасини тўлдириб, ундан чет давлатларда ташкил этилган ҳарбий дала лагерлари таъминоти ва бошқа жиноий режаларни амалга оширишда фойдаланганлар.

Т.Йўлдошевнинг топшириғига кўра, Наманганда Йўлдошев Абдували («Товба» гуруҳи), Андижонда Мадалиев Шуҳрат ва Маҳмудов Зафар, Самарқандда Турсунбоев Йўлдош, Хоразмда Атамуродов Ҳурматбек, Тошкентда Козиев Муродиллалар раҳбарлик қилган қуролланган уюшган гуруҳлар ташкил этилган. Бу гуруҳларга жиноятга мойил шахслар жалб қилиниб, улар контрабанда йўли билан олиб кирилган автомат, тўппонча, граната каби турли қурол-яроғлар ва жиноят содир этиш учун мослаштирилган бошқа анжомлар билан таъминланган.

Мазкур гуруҳлар томонидан 1993-1999 йиллар давомида Андижон, Наманган, Хоразм, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳудудларида фуқароларнинг мол-мулкини эгаллаш мақсадида ўнлаб қотиллик, босқинчилик ва бошқа оғир жиноятлар содир этилган.

«Товба» гуруҳи раҳбари Йўлдошев Абдували ва бошқалар 1994 йил 6 май куни «Учқўрғон» жамоа хўжалигида жойлашган божхона масканига ҳужум қилишиб, божхона хизмати сержанти Кўчқоров Бурҳонни ўта шафқатсизлик билан ўлдириб, унинг қуроли, пул ва кийим-бошларини олиб кетганлар.

Мазкур жиноий тўда 1996 йил 30 октябр куни Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари Э.Р.Маматқулов хонадонига бостириб кириб, хотини ва фарзандлари оёқ-қўлини боғлаб ташлаб, улар кўз ўнгида Маматқуловни ваҳшийларча қийнаб отиб ўлдиришган. Унинг 754 960 сўмлик мулкини олиб кетишган.

Мадалиев Шуҳрат бошлиқ жиноий гуруҳ 1997 йил 30 январ куни Чортоқ шаҳрида яшовчи Носиров Муҳаммадиброҳимнинг уйига бостириб кириб, унинг отаси Носиров Мамажонни ўлдириб, жами 726700 сўмлик мулкини олиб кетган.

1997 йил 24 март куни қуролланган гуруҳ раҳбари Абдували Йўлдошев Наманган шаҳар темир йўл вокзали яқинида икки нафар милиция ходимини отиб ўлдириб, Тожикистондаги Ж.Хожиев ихтиёрида бўлган жангарилар лагерига қочиб яширинган.

Мамажонов Толиб бошлиқ жиноий гуруҳ 1997 йил 2 декабр куни Наманган шаҳрида яшовчи милиция ходими Убайдуллаев Боқижоннинг уйига бостириб кириб, турмуш ўртоғи ва фарзандлари кўз ўнгида уни ўлдириб, 201 500 сўмлик шахсий мулкини тортиб олган. Аҳолини ва ички ишлар бошқармаси ҳамда бошқарув органлари ходимларини қўрқувга солиш мақсадида Наманган вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари уйи дарвозасига Б.Убайдуллаевнинг танасидан ажратилган калласини осиб кетишган.

1997 йил 12 декабр куни Охунов Расул ўз шериклари билан Абдуллаев Набижон ва унинг турмуш ўртоғини ўлдириб, уларнинг 150 500 сўмлик мулкини эгаллаганлар.

Наманган вилоятида Тоҳир Йўлдошев ва унинг тарафдорлари тузган қуролланган уюшган гуруҳ томонидан содир этилган 17 та босқинчилик ва қотиллик жиноятларида 8 нафар фуқаро ўлдирилган, 24 нафар шахсга турли даражадаги тан жароҳатлари етказилган. Жабрланувчиларнинг 3 миллион 891 минг 42 сўмлик мол-мулки олиб кетилган.

1996 йил 1 декабрга ўтар кечаси босқинчи тўда Андижондаги «Биокимё» заводи директори Мадазимов Шуҳратни уйида ўлдириб, жами 100 000 сўмлик тилла тақинчоқлари ва 1 700 сўм пулини олиб кетган.

Турғунов Жамолиддин ва бошқалар 1996 йил 6 декабрга ўтар кечаси Андижондаги «Билимдон» хусусий кичик корхонаси раҳбари В.А.Бабаянцнинг уйига бостириб киришиб, унинг бўйнига симли сиртмоқ ташлаб, бўғиб ўлдиришган.

Мадалиев Шуҳрат, Алимов Орифхон ва жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари 1997 йил 23 март куни Андижон шаҳрида милиция ходими Ризаев Одилнинг уйига қуролли ҳужум қилиб, унинг ўзини, онаси Ризаева Мукаррамхон, турмуш ўртоғи Ризаева Манзурахон, ўғиллари Ризаев Яшинбек ва Тоҳирларни ваҳшийларча отиб ўлдиришган.

Т.Йўлдошев ва унинг ҳамтовоқларидан иборат қуролланган гуруҳлар томонидан Андижон вилоятида ҳаммаси бўлиб 12 та оилага нисбатан босқинчилик содир қилинган, натижада 7 нафар фуқаро ўлдирилган ҳамда 19 нафар фуқарога турли даражадаги тан жароҳатлари етказилган.

1995-1996 йилларда Хоразм вилояти Хива шаҳридаги «Жомъе» масжидида Т. Йўлдошевнинг кўрсатмаси асосида Маҳмудов Бахтиёр, Сапаров Мансур, Ким Вячеслав, Атамуродов Ҳурматбек, Ходжаев Полвонназир ва бошқалардан иборат қуролланган гуруҳ тузилган.

1998 йил 4 декабр куни Маҳмудов Бахтиёр, Рўзметов Уйғун, Рўзметов Ойбек, Зарипов Абдуваҳоб, Ким Вячеслав, Сапаров Мансур ва бошқалардан иборат қуролланган гуруҳ Паркент тумани Қуёш посёлкасида яшовчи Маматхўжаев Анварнинг уйига босқинчилик мақсадида кириб, уни ўта шафқатсизлик билан уриб ўлдиришган. Босқинчилар бу ердан телевизор, видеомагнитофон, компьютер, «Тико» автомашинаси, жами 1 173 981 сўмлик мулкни олиб чиқиб кетганлар.

Мазкур гуруҳ томонидан 1998 йил 17 декабр куни Ҳазорасп темир йўл шоҳбекатида ўзларининг хизмат бурчини ўтаётган милиция ходими Матризаев Баҳодир ва фуқаро Б.Жуманиёзовларнинг қуролларини эгаллаш мақсадида улар отиб ўлдирилган, И.Сапаевга эса оғир тан жароҳати етказилган.

Рўзметов Ойбек ва Рўзметов Уйғунлар томонидан 1998 йилнинг 29 декабр куни Туркманистоннинг Лебоб вилояти, «Газ-Ачак» қўрғонида ўз хизмат бурчини бажараётган кўчма божхона ходимлари — чегара хизмати сержанти Д.М.Дурдиев ва милиция ходими М.Абиловлар ўқотар қуролларидан отиб ўлдирилган, М.Нуриевга оғир тан жароҳати етказилган.

1999 йил 25 январ куни жиноий уюшма аъзолари С.Бобожонов, Х.Халиллаев, О.Шарипов ва бошқалар Хоразм вилояти Янгибозор туманида яшовчи Р.Кўчқоровнинг уйига ҳужум қилиб, жами 8 миллион 646 минг сўмлик мулкини тортиб олганлар.

1999 йил 30 март куни жиноий уюшма аъзолари С. Бобожонов, Х.Халиллаев ва бошқалар Тошкент-Урганч йўналишида ҳаракатланаётган «Икарус» русумли автобусдаги 26 нафар йўловчи ва икки нафар ҳайдовчини гаровга олганлар. Гаровдагиларни озод қилиш вақтида 5 нафар бегуноҳ фуқаро улар томонидан отиб ўлдирилган.

1997-1998 йилларда Т. Йўлдошевнинг топшириғи билан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида жиноий уюшманинг қуролланган гуруҳи ташкил этилиб, унга Турсунбоев Йўлдош раҳбарлик қилган. Бу гуруҳга Қурбонов Маҳкам, Сувонов Баҳодир ва бошқалар жалб қилиниб, улар Тожикистондаги жангарилар лагерларида тегишли тайёргарликдан ўтганларидан сўнг, жиноий режаларни амалга ошириш мақсадида доимий яшаш жойларига қайтарилганлар. Мазкур гуруҳ 1999 йил 30 июнга ўтар кечаси Самарқанд вилояти Нуробод тумани халқ таълими хазинасидан ўқитувчиларга маош сифатида берилиши лозим бўлган 3 миллион 50 минг сўм пулни ўғирлаб кетган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида «Ўзбекистон исломий ҳаракати» жиноий уюшмасининг юқорида қайд этилган қуролланган гуруҳлари фаолияти фош этилиб, Т.Мамажонов, М.Абдураҳмонов, М.Ашуров, Ж.Турғунов ва бошқалар жиноий жавобгарликка тортилганлар.

Жиноий уюшманинг А.Йўлдошев, Р.Охунов, Ш.Мадалиев, З.Махмудов ва бошқа аъзолари эса жиноий уюшма раҳбарлари Т.Йўлдошев ҳамда Ж.Хожиевларнинг ихтиёридаги жангарилар лагерларига қочиб яширинганликлари учун уларга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Қотиллик ва босқинчилик йўли билан ўз мақсадларига эриша олмаган Т.Йўлдошев ва унинг жиноий шериклари халқаро терроризм ҳомийларининг кўрсатмаси билан ҳокимиятни қўлга олиш учун террорчилик йўлига ўтганлар.

Андижон вилоятидаги қуролланган гуруҳ раҳбарларидан бири, содир этган жиноятлари учун қидирувда бўлган Козимбек Зокиров 1997 йил май ойида Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Маматқулов Рустам, Козиев Муродилла, Раҳмонов Хомиджон, Жалолов Нажмиддин каби диний экстремистик оқимга мансуб шахсларни тўплаб, қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларини амалга оширишга қаратилган уюшган қуролли гуруҳ тузган.

1997 йил май-июн ойларида Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Хожиев, қалбаки паспортлар билан қонунсиз равишда чет элга чиққан Баҳром Абдуллаев, Козимбек Зокиров, Абдулла Ахмедов, Зайниддин Асқаров ва Рухитдин Фахрутдиновлар Туркия давлатининг Истамбул шаҳрига келишган. Бу ерда бўлиб ўтган йиғилишда «жиҳод» эълон қилиш йўли билан Ўзбекистондаги турли диний экстремистик гуруҳларга мансуб шахсларни «Ўзбекистон исломий ҳаракати» атрофида бирлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни босиб олиш режаси ишлаб чиқилган.

Муқаддам содир этган жиноятлари: яъни жиноий шериги Бекчанов Сафарбой билан 1991 йилнинг ноябр ойида Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани Бўстон шаҳрида жойлашган ўлкашунослик музейида сақланаётган, VII асрда қадимий Хоразм давлатининг пойтахти Тупроққалъада зарб қилиниб, Хоразм давлатининг герби тасвири туширилган, таркибида 17 грамм олтин бўлган тангани қайта таъмирлаш никоби остида олиб ўзлаштиргани; 20 дан зиёд фуқароларни алдов йўли, қалбаки ҳужжатлар билан Туркияга қонунсиз равишда чиқариб, террорчилар лагерларида давлатга қарши ҳарбий тайёргарликдан ўтказганлиги учун қидирувда бўлиб, хорижда яшириниб юрган Салай Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) Тоҳир Йўлдошев, Козимбек Зокиров, Баҳром Абдуллаев ва Зайниддин Асқаровларни 1997 йилнинг июл ойи охирларида Истамбул шаҳридаги уйига таклиф этади. Укаси Бегжонов Муҳаммад, «БИ-БИ-СИ» радиостанциясининг Туркиядаги бўлимида ишловчи Сурхондарё вилоятилик Номоз Нормўминовлар иштирок этган ушбу учрашувда Т.Йўлдошев бошлиқ бўлган жиноий уюшмага қўшилиб, Ўзбекистондаги мавжуд давлат тузумини қурол ишлатиш йўли билан ағдариб ташлаш, ислом давлати қуриш ва унга ўзи раҳбар бўлиши йўлида ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга тайёрлигини маълум қилган.

1997 йилнинг ёзида фитна ташкилотчиларидан бири К.Зокиров томонидан Тожикистоннинг Тавилдара туманида ташкил этилган ҳарбий дала лагерларига юборилган М. Ашуров, Ж.Турғунов ва бошқа шахслар қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш бўйича махсус ҳарбий тайёргарликдан ўтганлар. Ж.Хожиев ва Т.Йўлдошевларнинг топшириғи билан Асакадаги автомобиль заводини портлатиш мақсадида келаётган М.Ашуров, Х.Исмоилов, Р.Тошматов ва С.Ҳамидовлар 50 дона тротил портловчи шашкалари, 12 дона портлатиш воситаси-электродетонаторлар, портлатиш қурилмаси- 400 метр бикфорд шнури, 29 дона жанговар ўқи бўлган бир дона АКС-74 автомати билан 1997 йил 20 ноябр куни Ўш вилоятининг Қадамжой тумани Учқўрғон посёлкасида ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинган.

1998 йил сентябр ойи охирларида Афғонистоннинг Қобул шаҳрида уюшма раҳбарлари Тоҳир Йўлдошев, Баҳром Абдуллаев, Козимбек Зокиров, Зоҳиджон Деҳқонов, Жумабой Хожиев ва бошқалар иштирок этган учрашувда Ўзбекистонда жиҳод ҳаракатини бошлаш билан боғлиқ фитнани амалга ошириш режасига аниқликлар киритиб олганлар.

1998 йилнинг декабр ойида Салай Мадаминов Қобул шаҳрига — Тоҳир Йўлдошевнинг қароргоҳига келиб, 1999 йилнинг баҳор ойида биргаликда «жиҳод»ни бошлаб, Ўзбекистон Республикасида мавжуд Конституциявий тузумни қурол ишлатиш йўли билан ағдариш режасини ишлаб чиққанлар. С.Мадаминов ушбу фитнани амалга ошириш учун 1.6 миллион АҚШ долларини керакли қурол-яроғлар ва бошқа воситаларни сотиб олишга ажратишини маълум қилган.

Фитна режасига кўра, республика ҳудудида иш кўраётган жиноий уюшма аъзолари ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва бошқа давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилишга қаратилган қўпорувчилик ва террорчилик актларини содир қилиб, Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятни тўлиқ эгаллаш мўлжалланган. Янги тузиладиган ҳукуматга Мадаминов Салай (Муҳаммад Солиҳ) раҳбар, Тоҳир Йўлдошев эса ҳарбий қўмондон бўлишига келишиб олинган.

Юқоридаги қарор ижросини таъминлаш учун Т.Йўлдошев, О.Болтаев, К.Зокировларнинг топшириғи билан 1998 йилнинг декабр-январ ойларида, жиноий уюшма аъзолари М. Козиев, Ш. Каримов, Б.Султонов, С.Йўлчиев, З. Ҳасанов, Х.Раҳмонов, М. Абдураҳмонов, Н. Жалолов ва бошқалар кўлбола усулда портловчи моддаларни тайёрлашиб, Тошкент туманининг Ҳасанбой қишлоғида яшовчи жиноий уюшма аъзоси Йўлдошев Нуралининг ертўласига яшириб қўйганлар.

Т.Йўлдошевнинг топшириғи билан 1999 йил 13 январ куни К.Зокиров Афғонистоннинг Қобул шаҳридан Олмаота шаҳрига қайтиб келган. У ерда жиноий уюшманинг М.Козиев, З.Ҳасанов, Р.Маматқулов, Ю.Умаров ва бошқа аъзоларини йиғиб, уларга жиноий уюшма раҳбари Т.Йўлдошев ва С. Мадаминовларнинг Тошкент шаҳрида террорчилик ҳаракатларини ўтказиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш ҳақидаги топшириғини етказган. Бу вазифани амалга ошириш учун лозим бўлган пул маблағларини М.Козиевга берган.

Қуролланган гуруҳ бошлиғи М.Козиев топшириғига кўра, портлатилиши лозим бўлган объектларга кўп миқдордаги портловчи моддаларни етказиш ва қўпорувчиликларни амалга оширишни осонлаштириш мақсадида жиноий гуруҳ аъзолари Ҳасанов Зикиржон, Бобожонов Улуғбек, Раҳмонов Ҳамидлар Сирғали автомашиналар бозоридан 1 та ГАЗ-21 ва 4 дона ЗАЗ-968 автомашинасини сотиб олишган.

Жиноий уюшма аъзоси У.Бобожонов 1999 йилнинг 16 феврал куни соат 11.00 да Вазирлар Маҳкамаси биносидаги мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда давлатнинг бошқа раҳбарлари иштирокида 1998 йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиши ҳақидаги маълумотларни аниқлаган.

Мазкур маълумотлар жиноий гуруҳ раҳбарларидан бири О.Болтаев орқали Т.Йўлдошевга Бирлашган Араб Амирликлари давлатининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда маълум қилиниб, ундан портлатишларни ўтказишга доир топшириқлар олинган.

Шундан сўнг террорчилик актини амалга ошириш гуруҳи раҳбари М.Козиев ва бошқалар томонидан Тошкент шаҳрининг А.Қаҳҳор кўчасидаги аввалдан ижарага олинган уйлардан бирига портловчи моддалар олиб келиниб, уларни ташиш учун сотиб олинган автомашиналарга жойлаштирилган.

1999 йил 16 феврал куни соат 10.50 да Юсуф Хос Ҳожиб кўчасидаги поликлиника биноси ёнида, соат 10. 55 да «Нодирабегим» кинотеатри биноси ёнида, соат 11.20 да Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки биноси ёнида портловчи моддалар юкланган автомашиналар, соат 12.05 да А.Қаҳҳор кўчаси, 22-уйида қолган портловчи воситалар соат механизмлари ёрдамида портлатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносида йил якунларига бағишланган кенгаш ўтказилиши мўлжалланган вақтга 3 минут қолганида, яъни соат 10.57 да мажлис иштирокчилари — ҳукумат аъзолари, вазирлар, вилоят ҳокимлари ва бошқа раҳбарлар тўпланган ҳамда республика Президентининг автомобил кортежи етиб келиши мўлжалланган дақиқада ГАЗ-21 автомашинасига жойлаштирилган 400 кг. портловчи модда портлатилган.

Мазкур портлашлар натижасида 16 нафар бегуноҳ фуқаро ҳалок бўлган, 128 нафар киши турли даражада тан жароҳатлари олган, давлатга 689 844 542 сўмлик моддий зарар етказилган. Етказилган маънавий зарарни эса ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Тошкент шаҳрида портлашларни содир этишга алоқадор бўлган жиноий уюшманинг юздан зиёд аъзолари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қўлга олиниб, қонунда кўрсатилган жавобгарликка тортилганлар.

Бундан ташқари, жиноий уюшма аъзолари Б.Султонов, Қ.Соипов, Б.Солиев ва бошқалар томонидан Андижон шаҳрининг Муҳиддинов кўчасидаги 7-уйда кўлбола усулда тайёрлаб қўйилган 550 кг. портловчи модда ва бошқа қурол-аслаҳалар тергов давомида аниқланиб, террорчилар томонидан содир этилиши режалаштирилган қўпорувчилик ҳаракатларининг олди олинган.

Жиноий уюшма раҳбарлари фитнадан кўзлаган мақсадларини амалга ошира олмаганларидан кейин ҳарбий тайёргарликдан ўтган жангарилар гуруҳларини яширинча Ўзбекистонга киритиб, вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган қўпорувчилик ҳаракатлари ва террористик актларини давом эттириш билан шуғулланганлар.

1999 йилнинг октябр ойи оҳирларида жиноий уюшма раҳбарлари Т.Йўлдошев ва Ж.Хожиевлар Тожикистон Республикасининг Кафорниҳон туманидаги Саричинор қишлоғида жойлашган жангарилар лагерида давлатга қарши ҳарбий-жиҳодий тайёргарликдан ўтган В.Ким, А. Зарипов ва бошқа экстремистлардан иборат гуруҳга яширин равишда мамлакат ичкарисига ўтиш, Тошкент вилоятидаги Чорвоқ сув омборини портлатиш, Чирчиқ шаҳридаги кимё комбинати ва ҳарбий қисмларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сижжак қишлоғидаги қароргоҳини босиб олишни топширганлар.

Мазкур гуруҳ 1999 йилнинг ноябр ойи бошларида Пангаз довони орқали Тошкент вилоятининг Угам-Чотқол табиий қўриқхонаси ҳудудига ўтиб, у ерда овчилар ва қўриқхона нозирлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари билан тўқнашган. Угам-Чотқол қўриқхонаси ҳудудида ов қилиб юрган Ш.М.Эргашев, К.Н.Нурматов, қўриқхона ходимлари П.И.-Зоулошний, В.И.Зоулошний, Н.В.Соболев, Янгиобод шаҳар ИИБ бошлиғи В.Говорухин, Янгиобод ИИБ бошлиғи ўринбосари Б.А.Пўлатов, жиноят қидирув бўлими бошлиғи А.С.Қорабоев, ИИВ ходимлари В.А.Воронов, Р.К.Тулаганов, Р.Р.Васильевларни, жами 11 нафар бегуноҳ кишини отиб ўлдиришган.

Мазкур террорчилар гуруҳига қарши амалга оширилган тадбирлар давомида Вячеслав Ким раҳбарлигидаги 14 нафар жангарининг барчаси йўқ қилинган.

Т.Йўлдошев ва Ж.Хожиевларнинг топшириғига кўра, 2000 йил 24 июл куни Кўчқоров Ўктамбек ва бошқа бир гуруҳ қуролланган жангарилар Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги «Турди ҳожи» яйловида қўй боқиб юрган чўпонлар Ботиров Абдурайим, Ботиров Абдуманнон, Шокиров Ҳикматулло, Маҳмудов Олимжон, Юсупов Азамат ва вояга етмаган Ботиров Ҳабибуллоларни гаровга олганлар.

Гаровдагиларни озод қилиш ҳамда террорчилар гуруҳини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган тадбирлар давомида Ички ишлар вазирлиги, Чегара қўшинлари, Ички қўшинлар хизматчиларидан 15 нафари ҳалок бўлган ва 22 нафари тан жароҳати олган. Гаровга олинган шахслар 2000 йил 31 июл куни озод қилинган.

Тергов давомида мазкур террорчилар томонидан Сариосиё ва Узун туманларининг «Киштут», «Ҳамидарича» ва бошқа қишлоқларида яшовчи 12 нафар фуқарога қуролли ҳужум уюштирилгани, уларнинг мол-мулки босқинчилик йўли билан эгаллангани ва уларга тан жароҳати етказилганлиги аниқланган.

2000 йилнинг июл ойи бошларида Т.Исматов раҳбарлигидаги гранатамёт, пулемёт ва автоматлар билан қуролланган 15 нафар жангари божхона постларини четлаб ўтиб, Бўстонлиқ туманидаги Бурчмулло ўрмон хўжалигининг Тераклисой масканига жойлашиб олган.

2000 йилнинг 17 август куни жангарилар билан чегара қўшинлари аскарлари ўртасида бўлган тўқнашувда ҳарбий зобит Ш.Собиров ва оддий аскар Э.Беҳбутовлар отиб ўлдирилган, 4 нафар чегарачи гаровга олинган.

2000 йил 28 август куни Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг қўшинлари томонидан амалга оширилган тадбирлар давомида террорчиларнинг 8 нафари отиб ўлдирилиб, гаровга олинган чегарачилар Ю.Эшматов ва О.Шерматовлар озод қилинган.

Террорчилар гуруҳининг қочиб яширинган 7 нафари Қирғизистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан ҳамкорликдаги тадбирлар давомида йўқ қилинган.

Бўлиб ўтган қуролли тўқнашув натижасида 3 нафар ҳарбий ҳалок бўлган, 6 нафари жароҳат олган.

Тоҳир Йўлдошев, Ж.Хожиевлар тўдасига мансуб бўлган жангарилар гуруҳлари 2000 йилнинг август ойи бошларида халқаро террорчилар кўмагида Қирғизистон Республикасининг Боткен вилояти жанубий ҳудудларига бостириб кириб, Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё давлатлари ҳудудларида ягона ислом халифалигини ўрнатиш учун жиҳод — уруш олиб бораётганликларини очиқдан-очиқ маълум қилганлар.

Т. Йўлдошев, Ж.Хожиев, С.Мадаминовлар ўз жиноий фаолиятини давом эттиришиб, Фарғона водийси ҳамда республиканинг бошқа вилоятларидаги жиноий шерикларига «жиҳод» фарз эканлиги, қуролланиб, тегишли ҳудудларда қўпорувчилик ва террористик актларни амалга оширишга тайёрланиб туришлари ҳақида топшириқ берганлар.

Мазкур жиноий топшириқ асосида 2000 йилнинг 23 август куни Андижон вилояти Избоскан туманидаги Пойтуғ шаҳрининг «Дўстлик» иккинчи тор кўчаси, 2-уйига «Ўзбекистон исломий ҳаракати» жиноий уюшмасининг ўқ отар қуроллари билан қуролланган аъзолари Мирзаев Ғуломжон, Холмирзаев Ибайдулло, Мирзаев Зайлобидин, Мирзаев Ниёз, Нурдинов Ҳамидулло, Маҳмудов Маҳамаджон, Абдулахатов Муҳаммадкомил, Ҳакимов Одилжон ва Қодиров Дилмуродлар тўпланишиб, уй эгалари Маъмура Одилова, 10 ёшли Наврўзбек ва 11 ёшли Ниёзбек Мирзаевларни гаровга олганлар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг гаровдагиларни қўйиб юбориш ва қуролларини топшириб, таслим бўлиш ҳақидаги талабига жавобан жангарилар барча қуроллардан ўқ узиб, Андижон вилоят ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи, милиция полковниги Б.Ҳошимовни ўлдиришган, вилоят ИИБ ходимлари Ш.Зоҳидов, А.Абдуқаҳҳоров, П.Нишонов, А.Хотамов, В.Йўлдошев, Ф.Қўлдошев, О.Отақулов ва Л.Йўлчиевларга турли даражадаги тан жароҳатлари етказишган.

Жиноий уюшма аъзоларига қарши ўтказилган тадбирлар давомида уларнинг барчаси йўқ қилинган. Уларга тегишли бўлган 7 та милтиқ, 1 та қирқма милтиқ, 5 та қўлда ясалган тўппонча, 3 та аррасимон ханжар, 2 та РГД-5 жанговар граната, кўплаб ўқ-дори, «жиҳод»га даъват этувчи 20 дан ортиқ диний адабиётлар олинган.

1991-1999 йиллар давомида Фарғона водийсида, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида содир этилган 19 та қотиллик, 35 та босқинчилик жиноятлари, 1999 йил февралида Тошкент шаҳрида содир этилган портлатишлар, 1999 йил ноябрида Янгиободда, шу йилнинг июл-август ойларида Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатлари Тоҳир Йўлдошев, Жума Хожиев ва Салай Мадаминовлар раҳбарлигидаги жиноий уюшманинг қуролланган гуруҳлари томонидан содир этилганлиги тергов-тезкор тадбирлар давомида тўпланган ҳужжатлар ва далиллар билан тўла тасдиқланган.

Ушбу жиноят ишларини тергов қилиш давомида 15 мингдан зиёд гувоҳлар ва жабрланувчилар сўроқ қилинган, 2 мингдан ортиқ экспертизалар, ашёвий далиллар бўйича тегишли тадқиқотлар ўтказилган.

Тергов давомида олинган маълумотлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув идоралари томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар билан асослантирилган. Т.Йўлдошев, Ж.Хожиев, С.Мадаминов ва бошҳаларнинг ўта шафқатсизлик билан содир этган мудҳиш жиноятларидан зарар кўрган юзлаб жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўргазмалари билан тасдиқланган.

Тергов натижаларига кўра, «Ўзбекистон исломий ҳаракати» жиноий уюшмасининг раҳбарлари Йўлдошев Тоҳир, Хожиев Жумабой, Мадаминов Салай ҳамда уларнинг раҳнамолигида Тошкент шаҳрида содир этилган портлашларнинг бевосита ижрочилари Козиев Муродилла, Бобожонов Улуғбек, Раҳманов Хомиджон, Каримов Шовкат, Жалолов Нажмиддин, Умаров Йўлдош, шунингдек, жиноий уюшманинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари тоғли ҳудудларига киритилган гуруҳларининг қўлга олинган аъзолари Махмудов Улуғбек, Абдулвохидов Олим ва Шукуров Усмонларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97- моддаси (қасддан одам ўлдириш) 2- қисми «а», «г», «д», «ж», «и», «м», «о», «п», «р» бандлари, 155- моддаси (терроризм) 3-қисми «а» ва «б» бандлари, 156- моддаси (миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш) 2-қисми «а» ва «д» бандлари, 158- моддаси (Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш) 1-қисми, 159- моддаси (Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумига тажовуз қилиш) 4-қисми, 161- моддаси, (қўпорувчилик) 164- моддаси (босқинчилик) 4- қисми «а» ва «в» бандлари, 242-моддаси (жиноий уюшма ташкил этиш) 1 ва 2- қисмлари, 267- моддаси (транспорт воситасини олиб қочиш) 3-қисми «б» ва «в» бандлари билан айб эълон қилинган.

Ушбу айбланувчиларга нисбатан кўзғатилган жиноят иши айблов хулосаси билан шу йил 10 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий судига кўриб чиқиш учун юборилди.

Юқорида номлари қайд этилган шахслар жиноят ишини судда кўриш вақтида иштирок этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Прокуратурасининг
Матбуот маркази.

- *Об-ҳаво инжиқликларига қарамасдан, республикамизнинг барча вилоят ва туманларида пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан давом этмоқда*
- *Пахтакорлар, ҳашарчилар ва талабалар деҳқонларнинг пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, тезроқ йиғиштириб олиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар*
- *Пахта тайёрлаш давлат буюртмаси режасини республикада биринчи бўлиб уддалаган андижонликлардан сўнг фарғоналик, навоийлик, бухоролик ва тошкентлик пахтакорлар ҳам марра сари дадил бормоқдалар*
- *Аммо Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида йиғим-теримда сусткашликка йўл қўйилаётир*
- *Бугунгача лафзи ҳалол пахтакорларимиз уйган хирмон 2 миллион 690 минг тоннадан ошди.*

• Чиноз далаларида

Сафарбарлик

Бу йил пахта мўл бўлди ва тез етилди. Пишиқ-пухта режа билан иш бошлаган хўжаликлар шошиб қолмадилар. Ваъдасига содиқ, лафзи ҳалол деҳқонларнинг қатъияти ва ғайрат-шижоатини таърифлашга сўз ожиз. Улар етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун кузнинг ҳар дақиқасини ғанимат биляптилар. Биз, бир гуруҳ ижодкорлар куни кеча Тошкент вилоятининг Чиноз тумани далаларида бўлганимизда, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Иброҳим РАҲИМ

Аслида сафаримиздан кўзланган мақсад бошқа эди. Чўнг хирмонлар яратиш ишқидаги жасоратли меҳнат қалбимизга ўт солди. Ҳамроҳларим — Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис депутати, халқ шоири Абдулла Орипов ва Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф билан пахтакорлар даврасига ошиқдик.

Тошкентдан Чинозгача нари борса бир соатлик йўл. Кенг далаларда этак тутган ёшу қари майдон оралаб, ғўза саралаб, пахта термоқда. Олис-олисда денгиздаги кемалардек сузиб юрган қудратли «Кейс»ларнинг иш суръатига тараф йўқ! Ҳамма жойда ялпи сафарбарлик кўзга ташланади.

Чиноз далалари... Туман марказига — пахта штабига йиғилаётган одамларнинг қадам ташлашларидан кўп нарсани англаш мумкин эди. Йиллик режани ўринлатиб қўйган хўжаликларнинг вакиллари олдинда, маррага яқинлашаётганлари ўртада, судралиб қолаётганлар энг орқада келардилар. Тахминимиз тўғри чиқди. Шу кунгача 8 та хўжалик йиллик шартнома режасини бажариб, мажбурият ҳисобига ҳосил топширишмоқда. Бу хўжаликларнинг вакиллари йиғинда хуш кайфият билан бош кўтариб ўтиришга ҳақли эдилар.

Эрназаров номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Кенбой Кўккўзовнинг шодлиги беҳад.

— Чигитни эрта экдик, ғўзани яхши парвариш қилдик, — дейди у. — Вақтида ўғитладик, бегона ўтлардан тозаладик. Қўйингчи, пахтачилик илмини миридан сиригача эгаллаган деҳқонларимиз мўл ва эртаги ҳосил яратдилар. Пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан бошладик-да, «Кимўзар» танловини ўтказдик. Натижа яхши бўлди. 430 гектар пахтазордан юқори ҳосил олиб, шартнома режасини бир ойга қолмай адо этдик. Қарабсизки, қозон ҳам мой, чўмич ҳам...

«Йўлтушган» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Бахтиёр Рустамов «Чиноз ҳаёти» газетасининг ўша кунги сонида чоп этилган мақоласида илғорликнинг сири бир тан, бир жон бўлиб қилинган меҳнатда эканлигини таъкидлайди. Ҳозир қўшимча тонналар териб топширилмоқда. Туман идораларининг ишчи-хизматчилари ҳам далада енг шимариб меҳнат қилишаётир.

Ўша куни туман марказида бўлиб ўтган сайловчиларнинг Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан учрашувида ҳам ифтихоримиз рамзи ҳисобланган пахта ва пахтакорлар ҳақида сўз борди. Депутатлик ўрни бўшаб қолган 171-Чиноз сайлов округидан рўйхатга олинган педиатор-шифокор Саида Аҳмадалиева билан Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф пахтакор сайловчиларнинг азиз меҳмони бўлдилар. Йиғилишнинг расмий қисми тугагач,суҳбатимиз янада қизиди.

— Ҳар куни давлатга 4-5 фоиз, ҳатто ундан ҳам кўп миқдорда пахта топшириб, режани ўринлатган Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигида суръат ҳамон бўшаштирилгани йўқ, — деди раис Абдужаббор Тошматов. — Пахтакорларимизнинг азму шижоати қатъий. Туман ва вилоятимиз режаси ортиғи билан бажарилмагунча уюшқоқликни бўшаштирмаймиз.

Тасодифми ёки воқеа шунга тўғри келиб қолдими, шу куни «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ва «Гулзоробод» жамоа хўжаликлари йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини ортиғи билан бажарганликлари ҳақида малумотнома бердилар.

Туман ҳокими вазифасини бажарувчи Турғун Ботировнинг айтишича, пахта тайёрлаш бўйича Тошкент вилоятида иккинчи ўринда бораётган Чиноз тумани тез кунда маррага етади. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Биз Чиноздан катта таассуротлар билан қайтдик. Туманда ислоҳотларни чуқурлаштириш учун қатъий саъй-ҳаракат бошланган. Айниқса, мулк ўз эгаларига топширилгани яхши самара бермоқда: мавжуд 4158 оилавий пудрат бўйича ҳосилдорлик ҳам, моддий манфаатдорлик ҳам юқори. Туман хўжаликларининг ҳаммаси ўтган йилни тўла фойда билан якунлади, рентабеллик юқори даражага кўтарилди. Санацияга тушган хўжаликлар ҳам қаддини тиклаб, истиқбол сари дадил қадамлар ташламоқда. Боғ-роғларда олтин куз саховати намоён. Қишлоқлар обод, одамларнинг руҳи тетик ва бардам. Ҳамма ўз ризқини ҳалол меҳнат орқасидан топишга интилаяпти. Буларни кўргач, эртанги кунимизнинг янада порлоқ ва нурафшон бўлишига имон келтирасан, киши.

ПАХТАКОРГА МАДАДКОРЛАР

Деҳқоннинг йил бўйи қилган меҳнати ўз натижасини кўрсатди. Далаларда мўл пахта ҳосили етиштирилди. Уни тез ва соз йиғиштириб олиш қишлокда яшовчи кексаю ёшнинг эзгу аъмолига айланган.

— Нафақат қишлокдагилар, биз, талабалар ҳам деҳқонларга ёрдамга келдик, — дейди Бухоро тиббиёт институтининг 6-курс талабалари (суратда) Фарҳод Аҳмедов ва Дилрабо Гадоева. — Ҳар биримиз тераётган пахта эл хирмонига муносиб улуш бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, институт талабалари Қоровулбозор туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги хирмонининг юксалишига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Саҳнада болалар

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири

Чортоқда «Ҳаёт соғлом болалар билан гулгун» деб номланган фестивал ўтказилди. Туман ҳокимлиги ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси таянч пункти ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирда мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари ва боғчаларнинг тарбияланувчилари ўз истеъдодларини намойиш этишди. Ўғил-қизларнинг она- Ватан, истиқлол, бахтиёр болаликни мадҳ этувчи қўшиқлари, шўх рақсларини нафақат тенгдошлари, балки катталар ҳам ҳаяжон билан тинглаб, томоша қилишди.

Шу куни спортнинг волейбол, кураш, каратэ турлари бўйича республика, вилоят мусобақаларида фаол қатнашиб, ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олган бир гуруҳ чортоқлик болаларга жамғарманинг эсдалик совғалари топширилди.

«Соғлом авлод» давлат дастуридан ўрин олган бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилмоқда.

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ:

03/42106537-ФЛ, 03/42106538-ФЛ,
03/42106539-ФЛ, 03/42106540-ФЛ,
03/42106541-ФЛ, 03/42106542-ФЛ,
03/42106543-ФЛ, 03/42106544-ФЛ,
03/42106545-ФЛ, 03/42106546-ФЛ,
03/42106547-ФЛ, 03/42106548-ФЛ,
03/42106549-ФЛ, 03/42106550-ФЛ,
03/42106551-ФЛ, 03/42106552-ФЛ,
03/42106553-ФЛ, 03/42106555-ФЛ,
03/42106556-ФЛ, 03/42106557-ФЛ,
03/42108667-ФЛ, 03/42109551-ФЛ

СОНЛИ, ЙЎҚОТИЛГАН АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ ПОЛИСЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Тошкент шаҳри Миробод тумани ҳокимлигининг 1994 йил 2 июндаги 178/1-сонли қарори билан рўйхатга олинган «Олм» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат-савдо фирмаси фаолияти тугатилади. Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади.
Тел.: 90-84-20.

UZEXPOCENTRE

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҚОШИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ВА САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ (KOTRA)

Сизни 2000 йил 24-27 октябр кунлари UZEXPOCENTREнинг 1-павильонида соат 10.00дан 17.00 гача бўладиган

CONSUMER EXPO-2000

халқ истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмасига таклиф этади.

Сиз ушбу корейс компаниялари билан танишиш ва амалий муносабатлар ўрнатиш имкониятларига эга бўласиз.

Компаниялар номи	Компаниялар тақдим этадиган маҳсулотлар тури
So Young Textile Co.,Ltd	Синтетик матолар (газмол,трикотаж), сунъий шойи матолар
Romanson Co., Ltd	Қўл соатлари,сумкалар
Heechang Dairy&Food Industry Co.,Ltd	Алкоголсиз ичимликлар учун концентрат(қаймоқ)сут экстракти,какао уни, эрийдиган ерёнғоқли чой, калорияли овқат, олма ва шафтоли шарбати экстракти, цитрусли чой, эрийдиган қовоқ шўрва
EOR Co.,Ltd	Иссиқлик сақлайдиган фольга,сураткашлик пластинаси,ёрлиқлар учун бир томонлама қоплама қоғоз,металл чанглатилган қоғоз
Daesung Pharm Co., Ltd	Юмшоқ женшень капсулалари
EUNHA Co.,Ltd	Ошхоналар учун ҳаво сўргич (SB-6010,HSB-6060,SSB-6048T) Ваннахона учун шамоллатгич
Sun Safes Mfg Co.,Ltd	Оловга чидамли сейфлар,меҳмонхона, шунингдек, деворга қўйиладиган сейфлар
CAS Corporations	Электрон тарозилар
Dae Joon Textile Co., Ltd	Синтетик матолар(газмол ва трикотаж), сунъий шойи матолар
Orient AV Co.,Ltd	Аудио намойиш тизими
BBL Co.,Ltd	Шоколадли печеньелар
Hai Sung Textile Co.,Ltd	Синтетик матолар(газмол ва трикотаж), турли кашталар.

KB

Даромадни кўпайтириш йўли билан аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида

«KARVON-BANK» ХАТБ

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚУЙИДАГИ ОМОНАТЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

«УМИД» омонати – ойига 2%
- *Омонат муддати-1 ой*

«KARVON» муддатли омонати – 3 ойга 6%
- *Омонат муддати-3 ой*
- *энг кам миқдори-5000 сўм*

«KAPITAL» муддатли омонати – ойига 2%
- *омонат муддати-6 ой*
- *энг кам миқдори-5000 сўм*
- *ҳар ойлик тўлов*
- *фоизларни капиталлаштириш кўзда тутилади*

«ТИЛЛА ҲАМЁН» муддатли омонати – йилига 24%
- *омонат муддати-1 йил*
- *энг кам миқдори-10000 сўм*

«ОИЛА МАНФААТИ» муддатли омонати – ойига 2.2%
- *омонат муддати-2 йилдан ортиқ*
- *энг кам миқдори-25000 сўм*
- *фоизларни капиталлаштириш кўзда тутилади*
- *қўшимча қўйилмалар киритиш имконияти мавжуд*

Омонатларнинг сир сақланиши кафолатланади.

3392

экономическое обозрение

"Экономическое обозрение" журналига обуна бўлинг ва сиз қуйидагиларга эга бўласиз:

ОММАВИЙ журналга - тиражи қисқа вақт ичида 5 баробар ўсган;

ТАНИЛГАН журналга - уни нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ҳам ўқишади;

МУНТАЗАМ чоп этиладиган журналга - 2001 йилдан бошлаб у ҳар ой нашрдан чиқади;

ҚИЗИҚАРЛИ журналга - у нафақат раҳбар ва иқтисодчилар, ишбилармон ва тадбиркорлар, аспирант ва олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган, балки кенг китобхонлар оммаси,фаол ва қизиқувчан ўқувчилар учун ҳам мўлжаллангандир;

КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИГАН журналга - Ўзбекистондаги энг рангли ва сифатли нашр.

Журналнинг обуна индекси "Матбуот тарқатиш маркази" ЁАЖ каталогида келтирилган.

шахсий обуна бўлувчилар учун -957;
ташкилот ва корхоналар учун – 958;

Муқобил обуна агентлиги:
"Александр Маркет" – тел.:133-13-04;
"ARZI" –тел.: 136-08-41; факс:136-35-73;
"Мастер Пресс"-тел.: 133-40-10; факс: 136-35-73;

Қўшимча маълумотлар учун 67-06-05 , 67-93-13,
телефонлар орқали, пейджер (088)7005
Р.А.Тожихўжаевга мурожаат қилинг.

Реклама масалалари бўйича 100-48-35;
пейжер: (088) 5456 орқали
Ж. Алимбабаевга мурожаат қилинг.

Журналга исталган алоқа бўлимида обуна бўлиш мумкин

© CER Advertising

Ўзбекистон Республикаси давлат кутубхонаси жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси кутубхона директори вазифасини бажарувчи И.Маминовага отаси

Зокиржон ота МАМИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорати, клиника, жамоат ташкилотлари ва институтнинг ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг жамоаси шу кафедранинг профессор-маслаҳатчиси, тиббиёт фанлари доктори Раҳила Қарабаевага турмуш ўртоғи

Малик ҚОСИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Тарих» кафедрасининг собиқ доценти

Иля Федорович ГРИБЦОВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент автомобил-йўллар институти жамоаси «Химмотология» кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўратган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор

Наби РИЗАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Табиатнинг бир бўлаги

Яқинда Тошкент ҳайвонот боғи панжараларидан очиқ табиатга лочин қуш қўйиб юборилди. Ҳайвонот боғи раҳбарининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, биология фанлари номзоди Азиз Ирисметовнинг айтишига қараганда, йилига бундай қушларнинг 10-12 таси эркинликка чиқарилар экан.

Ҳайвонот боғи — олтин қафасмас

Музаффар НОРМАТОВ

— Ҳайвонот боғларининг асосий вазифаси маданий-оқартув ишларини олиб бориш билан бирга, ёввойи табиатда қирилиб кетаётган наботот оламини сақлаш, ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг турини кўпайтиришдан иборатдир, — дейди мутахассис.

Ривоятларга қараганда, инсоният ўзининг илк ҳаётида ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси билан ажралмас ҳолда умргузаронлик қилган экан. Фақат йиллар ўтиши, инсон онги ривожланиши туфайли табиатдаги бу яхлитликка дарз кетган. Айниқса, сўнгги даврдаги техника ва технологиянинг тараққиёти инсон ва ҳайвонот олами орасида катта жарликни пайдо қилди . Саноатдаги янгиланишлар, экологик бўҳронлар натижасида сўнгги 100 йил оралиғида 80 турдаги сут эмизувчи ҳайвонлар қирилиб кетган.

Олимларнинг тахмин ва таҳлил этишича, табиатга бўлган муносабат шу тарзда давом этаверса, кейинги йигирма йил ичида яна шунча ҳайвонот турини бой бериб қўйиш мумкин экан. Ана шундай офатнинг олдини олиш ишида ҳайвонот боғларининг роли катта. Қолаверса, бу жабҳа бўйича дунёда йирик жамоат ташкилотлари, нодавлатнотижорат идоралари ва ҳатто партиялар ишлаб турибди. Бунга Германиядаги Яшиллар партияси мисол бўла олади.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳайвонот боғларининг нуфузи ундаги ҳайвон ва паррандаларнинг кўплиги ёки экспозициясига қараб эмас, кўпайтириш ишларининг самарадорлигига нисбатан белгиланади. Масалан, Тошкент ҳайвонот боғи 24 гектар майдон, 220 турдан ортиқ, жами 1200 бошга яқин ҳайвонот дунёсига эга. Бу ерда яқин келажакда ҳайвонлар тури 400 тага, умумий миқдори эса 2,5 мингтага етказилиши тахмин қилинаяпти. Бундан ташқари, ўсимликлар дунёсини кўпайтиришга ҳам жиддий эътибор берилмоқда: сўнгги уч йилда 5000 тупдан зиёд манзарали дарахт экилди. Ана шундай имконияти ва фаолияти туфайли Тошкент ҳайвонот боғи 1996 йилда Европа ва Осиё ҳудудий ҳайвонот боғлари ва аквариумлар ассоциациясининг аъзоси бўлди. Уюшманинг юздан ортиқ аъзоси бор. Ва уларнинг барчаси бир мақсад ва маслак йўлида ҳамкорлик қилади.

Тошкент ҳайвонот боғи Америка, Австралия ҳамда Европа мамлакатлари билан нафақат ахборот алмашишади, балки ҳайвонот дунёсини айирбошлаш билан ҳам шуғулланади. Боғда Европа бўриларидан тортиб, Австралия қитъасининг тез юрар жирафаларигача борлигининг асосий сири ҳам ана шунда.

Крамник олдинда

Лондонда давом этаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионлиги учун баҳсларда 5 партия ўйналди. Ҳозирча тож даъвогари Владимир Крамник амалдаги чемпион Гарри Каспаровни ортда қолдирмоқда. Ҳисоб — 3:2.

Оуэн жиддий жароҳат олди

«Ливерпул» — «Дерби Каунти» учрашувида Англия терма жамоаси ҳужумчиси Майкл Оуэн 17-дақиқада жиддий жароҳат олди. Врачларнинг айтишича, футболчи камида икки ҳафта ўйинга туша олмаслиги мумкин.

Давидс «Арсенал» сафида

Италиянинг «Ювентус» клуби ўйинчиси, голландиялик Эдгар Давидс октябр ойининг охирида Англиянинг «Арсенал» клуби сафига қўшилади. Футболчи учун инглизлар жамоаси 9 миллион доллар тўлашга рози бўлган. Маълумки, мавсум бошида «Арсенал»ни франциялик Эммануэл Пети тарк этганди («Барселона»га), ана шу вақтдан бошлаб жамоа марказий ярим ҳимоячига эҳтиёж сезаётганди.

Спорт қитъаси дараклари

Сумо: Европа чемпионати

Польшанинг Краков шаҳрида Сумо кураши бўйича қитъа чемпионати якунланди. Жамоа ҳисобида биринчи ўринни Россия, иккинчи ўринни Германия, учинчи ўринни эса Польша терма жамоаси қўлга киритди.

«Ливан-2000» хабарлари

Осиё кубоги ўйинлари якунланмай туриб, илк мураббий вазифасидан озод этилди. Саудия Арабистони терма жамоаси Японияга 1:4 ҳисобида ютқазиб қўйгач, жамоанинг чехиялик бош мураббийи Милан Макала ўз вазифасидан четлатилди.

Кичкина Кличко — жаҳон чемпиони

Ўтган ҳафтанинг охирида Германиянинг Кёльн шаҳрида оғир вазнли боксчилар (WBO таснифи) ўртасида янги жаҳон чемпиони аниқланди.

Украиналик ака-ука Кличколарнинг кичкинаси — Владимир Кличко америкалик Крис Бердни 12 раундлик жангда очколар бўйича таслим этди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундан олти ой муқаддам америкалик бу боксчи Владимирнинг акаси Виталийни мағлубиятга учратган эди.

ЭЛМУРОД тайёрлади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 916, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II русс компьютерида терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.30
1 2 3 4 5 6

● Яхши тажриба

Автобусда... стюардесса!

Усмон МУҲАМЕДОВ

Ажойиб замонда яшаяпмиз-да. Кунда бир янгилик. Радио тинглаб, «зангори экран»ни кузатсангиз, даврий матбуот нашрларини варақласангиз, турли соҳалардаги янгиликлардан хабардор бўласиз-у, ҳайратингиз ошади. Шундай бўлиши табиий. Озод, эркин мамлакатда яшаяпмиз. Дунёдаги илғор мамлакатлар қаторидан тезроқ муносиб ўрин олишга ҳаракат қилаяпмиз.

Энди гапнинг буромадини эшитинг: яқинда Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат акциядорлик корпорациясига қарашли Самарқанддаги 2531-автокорхона ва Бекобод автобус-такси саройида яхши бир янгиликка қўл урилди. «Тошкент-Самарқанд» ва «Самарқанд-Тошкент» йўналишлари бўйича қатнайдиган иккита «Мерседес» ҳамда Бекободдан пойтахтга борувчи битта «Икарус» русумли автобусда ҳудди самолётдаги каби йўловчиларга стюардессалар хизмат кўрсата бошладилар.

Автомобилчиларнинг махсус формасини кийган бу хушмуомала қизлар йўловчиларга газета ва журналлар тарқатадилар, уларнинг хоҳишига қараб, радио ёки телевизор қўйиб берадилар, автосалондаги махсус музлатгичдан чанқовбосди ичимликлар келтириб, лутфан таклиф этадилар.

— Ушбу хизмат турини тажриба тариқасида синовдан ўтказаяпмиз, — дейди корпорациянинг йўловчилар ташиш бўлими бошлиғи Тоҳирҳўжа Жумаҳўжаев. — Агар янгилик мижозларимизга маъқул бўлса, бошқа йўналишларда ҳам стюардессалар хизмат кўрсата бошлайдилар.

● Инсон ёди азиз

Навоийни безаган рассом

Абдулҳай УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси Санъатшунослик институтининг катта илмий ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Миллатни дунёга танитган, унга шон-шараф, обрў келтирган инсонлар миллий ғуруримиздир. Улар давлат арбоби ва саркарда ёки халқ қаҳрамони, адабиёт ва санъат арбоблари бўлиши мумкин. Мусаввир Чингиз Ахмаров ҳам миллий санъатимизни дунёга танитган истеъдод соҳиби эди. Унинг ижодига айнан бугун яна бир назар ташлашимизнинг боиси бор. Бу йил буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги нишонланади. Чингиз Ахмаров эса ўша даҳо санъаткорнинг бадиий меросини қайта тиклаб, санъатимизга қайтариб берган ижодкордир.

Чингиз Ахмаровнинг ижодий мероси кенг қамровли. Мусаввир китоб безаклари, театр саҳнаси ва кинофильмларга либос андозалари, ал-Хоразмий, Беруний, Навоий, Улуғбек, Амир Темурлардан тортиб, замондошлари бўлган шоир ва адиблар, санъаткорларнинг портретларини яратди. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Бухородаги ҳашаматли биноларнинг деворларига ишланган маҳобатли расмлар унинг ижоди ҳақида ҳақиқий тасаввурни беради.

Ч. Ахмаров бадиий олий ўқув юртида ўқиб юрган кезлари машҳур санъаткорлар қўлида тарбия топди. Бу санъаткорларнинг юксак маҳорати, Уйғониш даврини белгилаган рассомларнинг тажриба-анъаналарига эътиқоди, санъатдаги миллий ўзига хосликка ҳурмати Ч. Ахмаровга катта таъсир кўрсатди. Институтни битиргандан сўнг аспирантурада ўқиши билан деярли ўн йилдан кўпроқ давом этган таҳсил ёш рассом илмини, касбкори, маҳоратини юксак даражага кўтарди, қайтарилмас ўзига хос услуб ва йўналиш соҳиби эканлигини намоён қилди.

Шунинг учун ҳам бу рассомга энди қурилиши битаётган антиқа меъморий иншоотни – Навоий номли театр биносини деворий расмлар билан безатиш топширилди. Ахмаров бу ишни маҳоратла уддалаш билан Навоий ижодини чуқур, дилдан тушунгани, унинг руҳини англаб,ўзига юкланган вазифага ҳурмат-эъзоз билан ёндаша олгани аён бўлди. Бу расмлар тасвирий санъат оламига ўтган замонлар санъатининг энг чўққилари бўлган усталар тажрибасини, хусусан, миллий мумтоз мусаввирлик чўққиси Беҳзод ва унинг мактаби яратган ютуқларини эгаллаган, уларни ўзлаштирган, ўзига хос маҳоратли рассом кириб келгани ҳақида бонг урди.

Навоий номидаги адабиёт музейига ишланган деворий расмлар шоир лирикасига нафосат, меҳр-муҳаббат билан мумтоз мусаввирлик услубига яқинроқ ёндашувни талаб қилган бўлса, хореография билим юртидаги жаҳон халқлари рақсларининг тасвирий ифодаси кўпроқ замонавий руҳда берилган. Дарвоқе, Ахмаров ижодида улуғ Навоий сиймоси алоҳида ўрин эгаллайди. Рассом асарларида шоир гоҳ ёшлигида, гоҳ ўсмирлик чоғларида, баъзида навқирон йилларида, ҳар гал ҳар хил кайфиятда, дўстлари даврасида ва қабул маросимларида ифода этилган. Мусаввир ижодида Навоийдан ташқари Лутфий, Жомий, Зебинисо, Нодирабегимлар образи ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ч. Ахмаров ижодида мусаввир ўзи тасаввур этган хаёлоти ва таҳайюли билан яралган олам, макон, инсонлар намоён бўлади. Ҳаётни, борлиқни гўзал қиёфада тасаввур этиш замонавий мавзудаги асарлар, замондошлар қиёфаси тасвирида ҳам яққол кўринади. Мусаввир ижодида Ҳалима Носирова, Зулфия, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, «Баҳор» ансамблининг раққосалари, хонандаю созандалар, оналик бахтини ифода этувчи расмлар кўп. Баъзида мусаввир бир сиймони унинг висолига тўймагандек қайта-қайта тасвирлайди. Масалан, Ҳалима Носирова, Зулфияхоним, баъзи раққосаларни ижодкор бир неча кўринишда тасвирлаган.

Ч. Ахмаров санъати, ижоди, ҳаёти ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бир ифодани алоҳида эътироф этмоқчиман. Чингиз ака бошлаб берган мумтоз мусаввирлик мероси, тажрибаси анъаналари, эстетикаси қайтадан замонавий бадиатимизга ташриф буюрди. Ташриф буюрганда ҳам, тобора мавж уриб, мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Шогирдлари кетидан невара-чевара шогирдлар санъатга кириб келаётганини кўриб, дунёдан армонсиз ўтарди Чингиз ака. Камолиддин Беҳзоднинг катта тўйи арафасида унинг ҳақиқий меросхўри ва давомчиси бўлган Чингиз Ахмаров устахонасида рассомнинг уй-музейи ташкил этилса, айни муддао бўларди. Зеро, элимизнинг ғурури бўлган инсонларнинг ҳурмати жойига қўйилаверса, бу ҳаммамиз учун кўнгиллидир.

● Ҳикмат

Оз-оз емак — соз емак

● Жумбоқ

Бир километр бир миллиметрдан неча марта узун?

Унча мураккаб бўлмаган бу жумбоқнинг жавобини 136-35-60 рақамли телефонга хабар қилинг.

* * *

Кечаги жумбоқда 58 сони назарда тутилганди. Бу ҳақда Бўкадан А. Шотемиров, Урганчдан Ҳ. Полвонов ва Ш. Наврўзов маълум қилишди.

Газетхон изоҳи

Газетамизнинг кечаги сонида берилган ушбу суратга кўплаб изоҳлар бўлди.

Шўрчи туманидан Баҳодир Хўжақулов шундай изоҳ беради:

Кулгининг минг биринчи тури

Тошкентлик Одилжон Маннопов шарҳи:

Кулолмасам нетай?

Бизнингча, Бўка туманидан Абдумажид Асқаров таклиф этган изоҳ қизиқроқ:

— Кеча кечқурун нўхат шўрвани бекор ичган эканман.

СВ-РАДИОАЛОҚАСИ - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШИНГИЗДА СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИНГИЗ!

Радиоалоқа узоқлиги 0,5 км. дан 30 км. гача.

• СИФАТЛИ РАДИОАЛОҚА
• ИШ ДИАПАЗОНИ - 26965-27860 КГц
• МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТЕКИН МАСЛАҲАТИ

Марказий офис манзили: Тошкент ш., «Кичик Бешёғоч» кўчаси, 189-уй.
Тел./факс: (998-71) 191-09-09, Тел.: (998-71) 191-30-00.
Филиал манзили (ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича мутахассислар): Тошкент ш., «Катортал» кўчаси, 38-уй.
Тел.: (998-712) 78-54-70, 78-05-03.

ОҲЖ «ДИЛИНГТРАСТ» КОМПАНИЯСИ

МЕНЕЖЕР

лавозимига танлов асосида қабул эълон қилади.

ТАЛАБЛАР:
ғайратли, ташаббускор, ишбилармон, ёши 35 гача, иқтисодий соҳада олий маълумотли, тижорат йўналишида 3 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлган йигитлар қабул қилинади.

МАНЗИЛ: 700038, Тошкент ш., Навоий к., 7, 4-қават, 425-хона, «Ўрда» бекати.

ТЕЛ.: 41-31-32, 41-10-53.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ЛОЙИҲА-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш Фарғона вилоят бўлими капитал қурилишда бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш, лойиҳалаштириш ишларини тайёрлаш муддатини қисқартириш, сифатини яхшилаш ва қийматини пасайтириш мақсадида 2001 йилда Фарғона вилояти давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан таъмирланиши режалаштирилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари иншоотларига

ЛОЙИҲАЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ

бўйича тендерларни ташкил қилади ва ўтказади. Тендер савдолари очиқ бўлиб, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар, «Даварҳитектқурилиш» қўмитасининг махсус рухсатномаси (лицензия)га эга бўлган, шу йўналиш бўйича лойиҳа ишларини олиб борувчи барча лойиҳа институтлари,кичик корхоналар ва фирмалар иштирок этишлари мумкин.

№	ИНШООТ НОМИ ВА МАНЗИЛИ	Қуввати ўқув/ётоқ
1	Қўқон шаҳридаги 9-касб-ҳунар коллежи	400/100
2	Марғилон шаҳридаги 3-касб-ҳунар коллежи	300/100
3	Фарғона шаҳридаги 7-касб-ҳунар коллежи	300/50
4	Ёзёвон туманидаги 8-касб-ҳунар коллежи	
5	Тошлоқ туманидаги 22-касб-ҳунар коллежи	600/100
6	Ўзбекистон туманидаги 15-касб-ҳунар коллежи	540/200
7	Фарғона туманидаги 24-касб-ҳунар коллежи	360/100
8	Қўқон шаҳридаги техника коллежи	600/200
9	Қўқон шаҳридаги тиббиёт коллежи	200/500
10	Қўқон шаҳридаги педагогика коллежи	1850/400
11	Марғилон шаҳридаги педагогика коллежи	1000/500
12	Марғилон шаҳридаги тиббиёт коллежи	2200/500
13	Фарғона шаҳридаги кооператив коллежи	500/150
14	Фарғона шаҳридаги нефтчи техникумининг қайта таъмири	300/100
15	Фарғона шаҳридаги санъат касб-ҳунар коллежи	450/100
16	Бувайда туманидаги касб-ҳунар лицейи	
17	Данғара туманидаги касб-ҳунар лицейи	450/100
18	Олтиариқ туманидаги касб-ҳунар лицейи	600/200

БУЮРТМАЧИ: ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ МУКАММАЛ ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

Иншоотларнинг тендер ҳужжатларини олиш учун Пудрат савдолари (тендерлари)ни ташкил этиш ва ўтказиш Фарғона вилоят бўлимига эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилгоҳ: Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 29-«А» уй, (Фарғона вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси) телефон/факс: 26-43-19.

3417